



«ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг
2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомасига
1-сонли илова

**«ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2015 йил 11 майдаги баённомаси билан
тасдиқланган «Листинг комиссияси тўғрисида»ги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Комиссия раиси ўз ваколати доирасида:

Комиссиянинг ишини ташкил қилади ва унинг фаолияти натижалари бўйича биржа Бошқаруви олдида жавобгар бўлади;

Комиссия йиғилишларида раислик қилади;

зарур ҳолларда Комиссия йиғилишларида иштирок этиш учун Биржанинг мутахассислари ва аъзоларини таклиф этади;

Комиссия ишини мувофиқлаштиради;

Комиссия ваколати доирасига тааллуқли ҳолларда «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Биржа савдоларини ўтказиш қоидалари», «Биржа листингини ўтказиш тартиби» бўйича маифаатдор биржа савдоси иштирокчиларига маслаҳатлар беради».

2. 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Комиссия котиби:

Листинг комиссиясининг модули орқали келиб тушаётган аризачилар (ишлаб чиқарувчилар, товар эгалари)нинг биржа савдоларида реализация қилиш таклиф этилган товарларини биржанинг котировкалаш варағига киритиш ҳақидаги мурожаатларини қабул қилади;

Комиссия модулида ишлашни ва овозларни санашни амалга оширади, у бўлмаганида эса ушбу вазифаларни Комиссия йиғилишида Котиб сифатида сайланган комиссия аъзоларидан бири амалга оширади».

3. 16-бандида:

учинчи хатбошидаги «рухсат бериш ҳақида қарор қабул қилиш» сўзлари «рухсат бериш» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилиш» сўзлари «шакллантириш» сўзи билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«аризачиларни, биржа аъзоларини уларнинг шахсий кабинетлари, шунингдек, биржанинг махсус портали орқали автоматик тарзда хабардор қилиш»;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

3. 17-бандда «, лекин ҳафтада камида бир марта жума кунлари ўтказилади» сўзлари олиб ташлансин.

4. 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Йиғилишлар Листинг комиссиясининг модулида онлайн тарзда ўтказилади».

5. 20-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. 25-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«товарларни биржанинг товарларни котировкалаш варағига киритилганлиги ёки чиқарилганлиги тўғрисида аризачилар (ишлаб чиқарувчилар, товар эгалари), биржа аъзолари ва Маклериатни Листинг комиссиясининг модули ва биржа портали (uzex.uz) орқали хабардор қилишга».